

ОИЛАВИЙ АЖРАЛИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Абдираимова Ш.А.

“Оила ва гендер илмий-тадқиқот
институту илмий ходими, мустақил изланувчиси
shakhnoza.abdiraimova@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14905035>

Аннотация. Ушбу мақолада никоҳдан ажралишларнинг олдини олиш ва оилаларни мустаҳкамлашга оид ижтимоий ёндашувлар таҳлил қилинган. Оилавий барқарорликнинг аҳамияти, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ижтимоий ва психологик қўллаб-қувватлаш тизимларининг ролини ўрганиш муҳимлиги қайд этилган. Шунингдек, мақолада никоҳлар сонининг прогноз параметрлари, никоҳдан ажралишлар сони, никоҳнинг мустаҳкамлик кўрсаткичи таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Оила, қадриятлар, никоҳ, ажралиш, оилавий барқарорлик, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилавий муносабатлар, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш.

Annotation. This article analyzes social approaches to preventing divorce and strengthening families. The importance of family stability, the relationship between family members, and the role of social and psychological support systems are noted. The article also analyzes the forecast parameters of the number of marriages, the number of divorces, and the indicator of marital strength.

Keywords. Family, values, marriage, divorce, family stability, social support, family relationships, strengthening family relationships.

Аннотация. В статье анализируются социальные подходы к профилактике разводов и укреплению семьи. Отмечена важность изучения стабильности семьи, взаимоотношений между членами семьи, роли систем социальной и психологической поддержки. В статье также анализируются прогнозные параметры числа браков, числа разводов и показателя прочности брака.

Ключевые слова. Семья, ценности, брак, развод, стабильность семьи, социальная поддержка, семейные отношения, укрепление семейных отношений.

Кириш

Оила – ҳар бир жамиятнинг асосий ҳудудидир ва жамият барқарорлигининг, инсон ҳуқуқларининг, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ҳимоячиси бўлган муҳим институти ҳисобланади. Шунингдек, оила жамиятнинг асосий бирлиги сифатида, ижтимоий муаммоларни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат қилувчи ёшлар, оила аъзолари орасидаги муносабатлар, психологик ва ижтимоий омиллар оилавий бағрикенгликнинг барқарорлигини таъминлайди. Оиланинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги ва ёш авлод тарбияси жамиятда ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланишнинг асосий омилларидан бири бўлиб, бу аҳолининг умумий соғлом ҳолатини сақлашга кўмаклашади.

Шу билан бирга, оилавий барқарорлик, бахтли никоҳнинг мустаҳкамлиги ва ажралишнинг олдини олиш жараёнида ижтимоий институтларнинг ролини тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Никоҳдан ажралиш ҳолатлари кўпга мамлакатларда ижтимоий муаммо сифатида кўриб чиқилмоқда, бу нафақат оилавий муаммолар, балки иқтисодий ва ижтимоий салбий таъсирларга ҳам олиб келмоқда. Никоҳдан ажралишнинг олдини

олиш учун ёшларнинг маънавий-ахлоқий қийматларини шакллантириш, оилавий ва психологик маслаҳат бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва давлатнинг оилавий сиёсатини такомиллаштириш каби чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Маънавий-ахлоқий қадриятлар, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими ва оилавий муносабатлар оила аъзоларининг орасидаги ижтимоий ишлашни, ўзаро ҳурмат ва ишончни таъминлайди. Бундан ташқари, оиладаги ижтимоий ёрдам тизимларининг самарали ишлаши, ёшларга оилавий муносабатлар ва бағрикенгликни тарғиб қилиш, никоҳни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Давлатнинг оилага оид сиёсатлари, яъни оилавий қўллаб-қувватлаш, никоҳдан ажралиш ҳолатларининг олдини олиш, ижтимоий хизматлар тизимининг яхшиланиши ҳамда аҳолининг маънавий ривож масалалари бу мавзуда муҳим оламда назарда тутилади. Маълумки, жамиятдаги ижтимоий барқарорликнинг асоси оила бўлиб, унинг барқарорлиги жамиятнинг умумий барқарорлигига таъсир кўрсатади. Оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, никоҳдан ажралишнинг олдини олиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг ечимини топишга қўмаклашади. Бунда, ҳар бир оила аъзосининг ҳақиқий ҳуқуқларига эга бўлиши, уларнинг фаол ижтимоий ролларини аниқ белгилаш ва уларга амал қилиш барқарор жамиятни шакллантиришга ёрдам беради.

Мақсад ва уни асослаш. Ушбу мақоладаги асосий мақсад, никоҳдан ажралишларнинг олдини олиш ва оила муносабатларини мустаҳкамлашга доир турли ижтимоий ёндашувларни ўрганишдир. Замонавий жамиятда оила мустаҳкамлиги қўллаб ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишига бевосита таъсир кўрсатади. Никоҳдан ажралишларнинг ўсиши, жамиятда оила структураси ва унинг ижтимоий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, бу мавзунинг илмий таҳлили оила институтининг аҳамиятини янада чуқурроқ англаш, никоҳ ва ажралишнинг ижтимоий сабаблари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақидаги илмий билимларни кенгайтириш учун зарур. Оила, унинг қадриятлари ва никоҳ муносабатларини кучайтириш орқали жамиятнинг келажаги учун соғлом авлодни тарбиялаш мумкинлиги аниқ. Бу муаммонинг ижтимоий аҳамияти, оила институтининг соғлом ривожланиши учун керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш заруратини тақозо этади.

Илмий муаммонинг тавсифи ва ечими.

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда республикада никоҳдан ажралишлар динамикасида олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ бирқатор муҳим тенденциялар кузатилмоқда. Маълумотларга қараганда, айниқса, ахборот технологияларининг ривожланиши, ижтимоий барқарорликнинг йўқолиши ва оиладаги иқтисодий муаммолар никоҳдан ажралишларнинг кўпайишига таъсир қилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда республикада никоҳдан ажралишлар сони ортган (1-жадвал).

1-жадвалдан кўринадики, ўтган беш йил мобайнида (2020-2024 йиллар) республика бўйича никоҳдан ажрашганлар сони 59,9 фоизга ортган. Таҳлил

қилинаётган даврда никоҳдан ажралишлар сони республиканинг барча ҳудудларида, хусусан, Наманган (96%), Сурхондарё (80,8%), Хоразм (75,2%) ва Фарғона (69%) вилоятларида юқори суръатда ўсган.

Таҳлилларга кўра, 2024 йилда никоҳдан ажралишлар сони 2023 йилга нисбатан (8,3%) камайган. Бу даврда ҳудудлар кесимида фақат Жиззах вилоятидан бошқа барча ҳудудларда никоҳдан ажралишлар сонининг камайиши қайд этилган.

Шаҳар аҳолисида никоҳдан ажралиш кўрсаткичлари қишлоқ жойларига қараганда юқори. Статистик маълумотларга кўра, никоҳдан ажралганларнинг 62,0 фоизи шаҳар жойларида, 38 фоизи қишлоқ жойларида қайд этилган.

Шаҳар жойларида никоҳдан ажралиш даражасидаги бундай тенденция оилавий қадрият йўналишларининг ўзгариши билан изоҳлаш мумкин. Ишлаб чиқариш, маданий, таълим даражаси ва турмуш тарзининг ривожланиши билан ҳаётий эҳтиёжлар ва хатти-ҳаракатлар таркибида ўзгаришлар рўй беради.

1-жадвал

Никоҳдан ажралишлар сони, нафар

Ҳудудлар	Йиллар					2024 йилда 2023 йилга нисбатан, %	2024 йилда 2020 йилга нисбатан, %
	2020	2021	2022	2023	2024		
Ўзбекистон Республикаси	28233	39349	48733	49198	45 135	91,7	159,9
Қорақалпоғистон Республикаси	1028	1467	2067	1933	1 755	90,8	170,7
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	3125	3945	5013	5480	4 781	87,2	153,0
Бухоро	1517	2084	2561	2485	2 329	93,7	153,5
Жиззах	1068	1283	1730	1679	1 696	101,0	158,8
Қашқадарё	2010	2867	3471	3376	2 989	88,5	148,7
Навоий	931	1224	1431	1492	1 258	84,3	135,1
Наманган	2104	3171	4389	4395	4 123	93,8	196,0
Самарқанд	2961	4174	4904	4639	4 599	99,1	155,3
Сурхондарё	1600	2264	2804	3047	2 893	94,9	180,8
Сирдарё	1093	1411	1761	1582	1 505	95,1	137,7
Тошкент	2958	4086	5080	4826	4 570	94,7	154,5
Фарғона	2841	4295	5451	5773	4 800	83,1	169,0
Хоразм	1098	1507	2137	2322	1 924	82,9	175,2
Тошкент ш.	3899	5571	5934	6169	5 913	95,9	151,7

* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

Таҳлиллар урбанизация даражаси юқори бўлган ҳудудларда никоҳдан ажралиш коэффицентининг қиймати юқори эканлигини кўрсатди. Яъни, урбанизация даражаси 100 фоизни ташкил қиладиган Тошкент шаҳрида никоҳдан ажралиш коэффиценти энг юқори.

Қишлоқда турмуш тарзи, урф-одатлари, оиланинг болаларга бўлган эҳтиёжи шаҳарларга қараганда анъанавий ҳисобланади. Бу эса қишлоқ жойларида никоҳдан ажралиш даражасининг шаҳарга нисбатан паст бўлишини таъминлайди.

Халқаро амалиётда никоҳдан ажралиш даражасига баҳо никоҳнинг мустаҳкамлик кўрсаткичидан (ҳар 100 нафар тузилган никоҳга тўғри келадиган ажралишлар сони) кенг фойдаланилади.

Ўзбекистонда никоҳнинг мустаҳкамлик кўрсаткичи 16,6 фоизни ташкил этади (2-жадвал).

Ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳри (26%), Тошкент (22,7%), Сирдарё (21,9%) ва Андижон (20,4%) вилоятларида никоҳнинг мустаҳкамлик даражаси паст.

Ўзбекистонда никоҳдан ажралишга асосан учинчи шахс аралашуви (14,1%), фарзандсизлик (11,7%), никоҳланувчиларнинг оилага тайёр эмаслиги (11,7%), узоқ вақт бирга яшамаслик, миграция (9,8%) сабаб бўлмоқда.

2-жадвал

Никоҳнинг мустаҳкамлик кўрсаткичи

Ҳудудлар	Йиллар					2024 йилда 2020 йилга нисбатан (+,-)
	2020	2021	2022	2023	2024	
Ўзбекистон Республикаси	9,5	12,9	16,4	17,3	16,6	7,1
Қорақалпоғистон Республикаси	8,9	9,3	13,9	14,2	13,3	4,4
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	11,3	14,8	19,4	21,9	20,4	9,1
Бухоро	9,6	12,3	15,8	15,8	15,6	6,0
Жиззах	7,7	9,6	13,6	14,2	15,2	7,5
Қашқадарё	6,5	9,4	10,8	10,9	10,2	3,7
Навоий	10,2	13,3	16,8	18,8	16,7	6,5
Наманган	8,4	12,7	18,7	18,9	18,5	10,1
Самарқанд	8,9	11,5	14,4	14,4	14,6	5,7
Сурхондарё	6,5	8,5	10,5	12,2	12,4	5,9
Сирдарё	12,3	17,5	22,8	21,9	21,9	9,6
Тошкент	11,3	15,9	21,9	22,6	22,7	11,4
Фарғона	8,3	13,1	17,0	18,6	16,5	8,2
Хоразм	7,8	9,7	12,8	14,1	11,8	4,0
Тошкент ш.	18,1	24,5	26,4	27,6	26,0	7,9

* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

Ажримларга таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар бўйича маълумотларнинг эконометрик таҳлилига кўра, ишсизлар сонининг 1,0 фоизга ортиши ажралишларнинг 0,54 фоизга, аҳоли зичлигининг 1,0 фоизга ошиши – 0,16 фоизга, аҳоли реал даромадларининг 1,0 фоизга ўсиши – 0,31 фоизга, ташқи меҳнат миграциясининг 1,0 фоизга ошиши ажралишлар сонининг 0,07 фоизга ортишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда меҳнат мигрантларининг никоҳни бекор қилиши алоҳида муаммога айланиб бормоқда. Эркаклар ишлаб юрган жойида ўзига бошқа умр йўлдоши топиши ҳолатлари учрамоқда. Уларнинг турмуш ўртоқлари учун эса эркакнинг узоқ вақт уйда бўлмаслиги ҳақиқий синов вазифасини ўтамоқда. Ушбу жараён ҳам республикада оила институтининг демографик тараққиётига салбий таъсир кўрсатади.

Сўнгги йилларда ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда **смс-ажралишлар** ҳам урфга айланмоқда. Ажралишнинг бундай турида эркаклар чет элда ишлаб юриб, турмуш ўртоқларига “талок” сўзини смс-хабар орқали ёзиб юборади. Бунинг натижасида аёл суд қарорисиз, одатда, ҳимоясиз қолиб, ота-онасининг уйига қайтишга мажбур бўлади. Бу борада эркакларни масъулиятли бўлишга чақириб, уларга ажралишнинг бундай шакли ноқонуний эканлигини тушунтириш, бундай ҳолат билан курашиш оила масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради.

Аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми, айниқса ёш эркакларда меҳнат миграциясининг юқори даражаси, уларнинг бошқа мамлакатларда узоқ муддат меҳнат қилиши улар томонидан шу ҳудудда янги оила қурилишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолат оилалар ўртасидаги низолар, оилаларнинг бузилиши, фарзандлар етимлиги ва қаровсизлигининг кенг тарқалган сабаби бўлиб қолмоқда. Шунингдек, миграция эр-хотин ўртасида масофавий муносабатларни юзага келтириб, тўлиқ бўлмаган оилалар, бева аёллар сонини оширади.

Якуний қисм. Никоҳдан ажралишларнинг олдини олиш ва оилаларни мустаҳкамлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш тақлиф этилади:

1. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан Адлия вазирлиги ва мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда Оила кодексини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, бунда қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:

- никоҳни тугатиш ҳамда никоҳдан ажратиш асослари ва тартибини такомиллаштириш, ажрашиш тўғрисида ариза берган оилаларга ярашиш учун бериладиган муддатни узайтириш;

- ажрим ёқасида турган оилаларга психологик ёрдам кўрсатиш тизимини белгилаш;

- оилавий муносабатларда аёлларнинг ҳимоясини кафолатловчи нормаларни (шу жумладан, эрнинг никоҳ мажбуриятини бажариш, оилавий ғамхўрлик қилиш бурчлари кабилар)ни такомиллаштириш;

– никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда эр-хотиннинг яқин қариндошлари (айниқса, биринчи навбатда ота-она, бобо-буви, ака-ука, опасингиллар)нинг ёзма розилигини олиш тартибини жорий этиш;

– фарзандсизлик туфайли ажрим ёқасида турган оилаларга тиббий ёрдамларни кўрсатиш, соғломлаштириш марказларида даволаниш ва бошқа тиббий хизматлардан фойдаланиш бўйича давлат томонидан ижтимоий ва моддий ёрдам бериш кафолатларини белгилаш.

2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан:

– олий ўқув юртларида “Мустақкам оила асослари” ўқув курсини жорий этиш ҳамда унинг доирасида талабаларни “Оила психологияси”, “Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар”, “Оиланинг диний-ахлоқий асослари”, “Оила иқтисодиёти”, “Репродуктив саломатлик” ва “Фарзанд парвариши ва тарбияси” каби мавзулар бўйича ўқитиш;

– ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларини оила қуришга тайёрлаш бўйича қисқа муддатли ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан:

– маҳалла хотин-қизлар фаоллари томонидан ёш оилаларни (айниқса, никоҳ даврининг биринчи беш йили давомида) мониторинг қилиш тизимини йўлга қўйиш, ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал этишга қўмаклашиш;

– ҳар бир маҳаллада ташкил этилган “Ота-оналар университетлари” фаолиятини жонлантириш, улар ўртасида рағбатлантирувчи кўрик-танловлар ташкил этиш, ушбу тузилмаларда эр-хотинларнинг оталик ва оналик, фарзанд тарбияси билан боғлиқ маҳоратларини ошириб боришга қаратилган машғулотларнинг доимий ўтказиб борилишини йўлга қўйиш;

– Қўмита қошида халқаро грантлар ҳамда оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат мақсадли жамғармаси маблағларини жалб этган ҳолда, оилавий низолар ва уларнинг ечими бўйича бепул малакали психологик, тиббий, диний ва бошқа йўналишлар юзасидан мутахассислар консултацияси ва кун-у тун хизмат кўрсатадиган қўнғироқ (Call centre) хизматларни ташкил этиш;

Мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар билан биргаликда:

– меҳнат жамоаларида “Оилавий муҳаббат куни” акцияларини ўтказиш ва бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари кўмагида ходимларнинг бўш вақтларини оилалари билан ўтказишга ундаш ҳамда оиланинг муқаддаслиги, фарзанд тарбияси каби мавзулар бўйича тарғибот тадбирларини уюштириш;

– ажрим кўрсаткичлари юқори бўлган ҳудудлар (шаҳарлар, туман марказлари)да оилавий ажралишларни камайтириш бўйича комплекс ва манзилли “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

References:

1. Абдураманов Х.Х. Демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш механизминини шакллантириш. «Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Самарқанд, 2020. – 8-11-б.

2. Абдураманов Х.Х. Демографик хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий механизмлари. “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция илмий мақолалар ва материаллари тўплами. – Андижон, 2019. – 21-25 б. Available from: <https://www.researchgate.net>
3. Абдураманов Х.Х. Демография соҳасида миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг устувор йўналишлари. “Тизимли тадқиқотлар” илмий-таҳлилий журнал. №1. – Тошкент, 2020. – 101-111 б. Available from: <https://www.researchgate.net>
4. Абдураманов Х.Х. Классификация угроз экономической безопасности связанных с демографическими проблемами. Proceedings of the 4th International Scientific and Practical Conference «Scientific Research in XXI Century». Ottawa. 2020. - P.21-26.
5. Абдураманов Х.Х. Қишлоқ жойларида норасмий иш билан бандликни тартибга солиш. Ўзбекистон Республикаси ҳаракатлар стратегияси: макроиктисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари. Илмий маъруза ва мақолалар тўплами. – Тошкент, 2019. – 48-55. 23. Абдураманов Х.Х. Социальная защита престарелых: на примере Республики Узбекистан. Проблемы современной экономики. №2 (58), 2016. Available from: <http://m.economy.ru/art.php?nArtId=5802> 24. Абдурахмонов Қ.Х., Абдураманов Х.Х. Демография. Ўқув қўлланма. – Т.: Ношир 200 (2011).
6. Абдураманов Х.Х. Яшил иш ўринларини ташкил этиш йўналишлари. «Минтака аҳолисининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини яхшилаш: ҳозирги аҳволи, муаммолари ва тараққиёт стратегияси». Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Нукус, 2018. – 264-265 б.
7. F. Meslé, J. Vallin, “Historical trends in mortality” in International Handbook of Adult Mortality, R. G. Rogers, E. M. Crimmins, Eds. (Springer, 2011), pp. 9–47.
8. H. Beltrán-Sánchez, C. E. Finch, E. M. Crimmins, Twentieth century surge of excess adult male mortality. Proc. Natl. Acad. Sci. U.S.A. 112, 8993–8998 (2015).
9. Khudaybergenovich, A. H. (2018). Demographic Development Tendencies of the Family in Uzbekistan. International Journal of Trend in Scientific Research and Development, 3(1), 617 620.
10. Холмўминов, Ш., Хомитов, К., Арабов, Н., Абдураманов, Х., Бобоназарова, Ж., & Саидов, Н. (2020). Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари. Архив научных исследований, (3).